



**MUSTAQILLIK YILLARIDA  
O'ZBEKISTON IQTISODIYOTINING  
RIVOJLANISH TENDENSIYA VA ISTIQBOLLARI**



*"Go'zal va betakrorimsan, muqaddas Vatanim,  
jonim senga fido, O'zbekistonim!"*

Toshkent 2016

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН  
ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
ТЕНДЕНЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
профессор-ўқитувчиларининг  
Илмий мақолалар тўплами*

*Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг  
25 йиллигига бағишланади*

Тошкент – 2016

**МУНДАРИЖА**

Бет

КИРИШ		11
<b>I бўлим. ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, ИҚТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ПРОГНОЗЛАШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОС ВА УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b>		
Ходиев Б.Ю.	Мустақил иқтисодий тараққиётнинг чорак асри – юксак марралар ва буёқ келажак пойдевори	12
Захидов Ғ.Э.	Кластерни ривожлантириш саноатининг рақобатбардошлигини ошириш омили сифатида	23
Абдуллаев А.М.	Проблемы развития системы планирования и прогнозирования в экономике Республики Узбекистан	38
Джуроева С.Қ.	Худуд иқтисодиётининг истиқболда барқарор ривожланиш тенденцияларини баҳолаш	48
Шодиев Р.Х.	Иқтисодий кавфсизликни таъминлаш – барқарор ривожланишнинг муҳим омили	56
Ходиев Б.Ю. Шодмонов Ш.Ш.	Иқтисодий тараққиёт: эришилган ютуқ ва вазифалар	63
Юлдашев Н.К.	Факторы экономического развития и его базовые модели	76
<b>II бўлим. ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИК, КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b>		
Ахунова Г.Н.	Краеугольный камень экономических успехов и преобразований	90
Абдурахманова Г.К.	Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти – унумли иш жойлари ташкил этишнинг муҳим воситаси	101
Азларова А.А.	Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банк кредитларининг роли	108
Акбарова Б.Ш.	Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг статистик таҳлили	123
Беркитов Б.Б., Эргашсўжаева Ш.Ж.	Трансакция харажатларини бошқаришнинг илмий концепцияси	132
Назарова Р.Р.	Совершенствование инновационного развития промышленных предприятий в Узбекистане	144
Хайитов А.Б., Эгамов Х.Ш.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ёшларни иш билан таъминлаш омили	150
Хотамов И.	Брендинг ва бренд менежментининг рақобат муҳитидаги ўрни	161

продукцию предприятия, так и расширение масштабов его хозяйственной деятельности.

#### Литература:

1. Каримов И.А. «Наша главная цель – решительно следовать по пути широкомасштабных реформ и модернизации страны». –Т.: Узбекистан, 2013.
2. Бармута К.А. Специфика инновационного развития промышленных предприятий: монография. - Ростов н/Д: Издательский центр ДГТУ, 2008. – 8 п.л.
3. Эргашев Ф., Рахимова Д., Сагдуллаев А, Паршиев О, Зайнутдинов Ш. Инновацион менеджмент. //Дарслик - Т.: Академия, 2005.93б.
4. Посталюк М.П. Влияние экономической системы на инновационную деятельность в условиях рынка //tisbi.ru
5. Завлин П.Н., Васильев А.В. Оценка эффективности инноваций. - СПб., 2011.

*И.ф.н., доц. А.Б. Хайитов, ХШ. Эгамов,  
ТДИУ*

#### **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ёшларни иш билан таъминлаш омиллари**

*В данной статье освещены социально-экономическое значение повышения занятости молодежи и снижения безработицы, показаны приоритетные направления преодоления безработицы на основе конкретных фактов и практических примеров.*

*This article high lights the socio-economic importance of increasing employment and reducing unemployment, shows the priorities of overcoming unemployment on the basis of the specific facts and practical examples.*

*Калим сўзлар: иқтисодиёт, кичик бизнес, инвестиция, инфляция, экспорт, инфратузилма.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йуллари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Мақамаси мажлисидаги маърузасида: “Ёшларимиз, фарзандларимизнинг, айниқса, қишлоқ жойларда бандлик муаммоси биз учун энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаётганини назарда тутган ҳолда, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларига бу борадаги ишлар учун улар шахсан жавобгар эканини яна бир бор таъкидлашни ўринли деб биламан”.

Ҳар йили касб-хунар коллежлари ва лицейларга қабул режасини ишлаб чиқишда 3-4 йилдан сўнг туман, шаҳар ва вилоятлар ҳудудида қандай янги объектлар ишга туширилиши, уларда меҳнат қилиш учун кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиш ва шу асосда қабул режасига тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги натижасида, ҳар йили касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда барқарорликка эришилмоқда.

Ёшларимизни илм-фан сирларини ўрганиш, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаш, ахборот коммунизация технологиялари, интернетдан фойдаланиш каби барча соҳаларда юксак чўққиларни эгалламоқда. Юқори марраларни эгаллашда ўз иқтидорини намоён қилиш учун 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 2002 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги 52-сонли “Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 406-сонли қонуларининг қабул қилинганлиги ёш авлодга дастуруламал бўлмоқда.

Ривожланган бозор шароитида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишлаб чиқаришга фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш, истеъмолчи талабини кўпроқ қондириш ва миллий махсулотларимизни экспорт қилиш бугунги куннинг энг долзарб талаби сифатида қаралмоқда.

Бу эса ўз навбатида, ишсизлик даражасини мос равишда камайтиради, кишиларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга замин яратди. Бунда иш билан бандлик деганда, кишиларнинг шахсий ва иқтисодий эътиёжларини қондириш билан боғлиқ фаолияти тушунилиб, у амалдаги қонунчиликка зид бўлмай, кишиларга ўз меҳнатидан даромад келтиради.

Бугунги кунда ёшларимизга давлат томонидан кенг қўламли имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, йил сайин коллеж битирувчиларига катта имтиёзлар берилмоқда ва уларни иш билан таъминлаш муҳим вазифа бўлмоқда. Коллеж битирувчиларига берилаётган имтиёزلарни санаб ўтамиз:

– яқка тартибдаги талбиркорлар коллеж битирувчисини ишга қабул қилганда, битирувчи учун қатъий белгиланган солиқ тўлашдан ўн икки ой мобайнида озод этилган;

– коллеж битирувчиси яқка тартибдаги талбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан олти ой муддатга қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади;

– микрофирма ва кичик корхоналар ўз модимлари сонини коллеж битирувчилари ҳисобига 50% гача оширганда ўз мавқенини сақлаб қолади<sup>56</sup>.

Ёшларнинг аксарият қисми ўз келакагини кичик бизнес ва хусусий талбиркорликда кўрмоқдалар. Қамолот ЁИҲ томонидан ҳар йили “Менин бизнес ғоям” кўрик танлови бўлиб ўтмоқда. Бунда коллеж битирувчилари фаол иштирок этиб имтиёзли кредитларни қўлга киритмоқдалар.

<sup>56</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотири.


2016 йилда коллеж битирувчилари учун шарт-шароитларни яратиш<sup>87</sup>

Битирувчилар учун янги иш ўринларини яратиш	400 мингта
Квота иш ўринларини замирлаш	55 мингта
Ихтисослаштирилган бўли иш ўринлари ямаркаси	737 та
Тўрт томонлама шартнома (коллек-корхона-битирувчи-ҳоким)	479 минг нафар
Биряктириладиган корхона, ташкилотлар	200 мингта
Тижорат банкларининг микрокредитлари	300 млрд.сўм
Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ва тадбиркорликни бошлаш ягона дарчаси	386 та
Йирик шихар марказларида «Микробизнес ва онлайин тадбиркорликни баҳолаш марказлари» ташкил этиш	20 та

Иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан барқарор ўсиши биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлган – аҳоли бандлигини таъминлаш, авваламбор, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юрлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароитлар яратди.

Касб-хунар коллежларини 2014-2015 ўқув йилидаги битирувчиларни ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва келгусида ишга жойлаштириш мақсадида уч томонлама шартнома тузилган корхона ва ташкилотлар сони (соҳалар кесимида)<sup>88</sup> 1-диаграммада кўрсатиб ўтилган.

1-диаграмма



Маъба: Муаллифлар томонидан ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази маълумотлари асосида тайёрланди.

2015 йилда коллежларнинг 480 мингдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди.

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси Маъмурини маълумотлари.

<sup>88</sup> Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази маълумотлари.

Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил қилиш учун 280 миллиард сўмга яқин - имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир<sup>59</sup>.

Иш ўринларини яратиш бўйича тadbиркорларга ҳам қулай имкониятлар берилмоқда ҳамда улар ўз бизнесини самарали йўлга қўймоқда. 2015 йилда тadbиркорларга қўйидаги имтиёзлар берилди:

✓ яқка тартибдаги тadbиркор пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи ва белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдоридан тўловлар тўлаш шарти билан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи эга;

✓ енгил саноат, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишидаги кичик корхоналарда ишловчилар сони 200 тагача<sup>60</sup>.

Қайд этиш жоизки, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида давлатнинг интилиши ва чоралари фақат иш ўринларини яратиш билан боғлиқ бўлмасдан, балки у қўллаб-қўлловчи масалалар ва ёшларга алоҳида эътибор бериш билан бирга ҳал этилиб, юртбошимиз таъкидлаганларидек, мамлакат келажаги ёшлар қўлида.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пиروвардида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш йўлига хизмат қилимоқда. Юқорида баён этилган мулоҳазадан келиб чиқиб, бизнингча қўйидаги муҳим хулосаларни келтириш мумкин:

- биринчидан, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишга мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакат раҳбариятининг диққат марказида бўлиб, ҳамма ислохотларнинг асосий устуворлиги ҳисобланган;

- иккинчидан, аҳолининг иш билан бандлиги жаҳон миқёсидаги муаммо бўлиб, нафақат давлат, балки жаҳон миқёсида ҳал этилади, яъни унда жамиятнинг ҳамма тузилма ва бўғинлари, биринчи навбатда иш берувчилар – тadbиркорлар, фирмалар, бирлашмалар ва компаниялар иштирок этади.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўрилган чора-тadbирлар натижасида ўтган йили, фермер ва деҳқон хўжалиқларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан зиёдга ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.

Солиқ қонунчилигида ҳам қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида қўллаб-қўлловчи амалга оширилди. Шу нуқтан назардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли қарори билан тасдиқланган “Кичик тadbиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификацияси”га ўзгартириш киритилиб, автомобиль транспорти соҳасида фаолият юритувчи

<sup>59</sup>Қаримов И.А. Бош мақсаддан – маъмул қийинчиликларга қарама-қарши олиб бораётган ислохотларни, амалдорликнинг таркибий ўзгаришларини янги даражага етказиш, хусусий мулкнинг, кичик бизнес ва тadbиркорликнинг янги йўлга олиб бериш ҳисобидан олдинга юретиш. 2015 йилда амалдорлик-иқтисодий ривожлантириш ажуслари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи 11(6446) 16.01.2016 й.

<sup>60</sup>Ўзбекистон Республикаси Мажлис қарорлиги маълумотлари.


кичик корхоналар учун ходимларнинг чегаравий сони 25 тадан 50 тагача оширилганда ҳам кичик корхона сифатидаги имтиёзи берилди<sup>61</sup>.

Янги ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56,7 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди.

Бундай иқтисодий ўсишга эришишда, авваламбор, кенг кўламли бозор ислохотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, экспортга иқтисослашган янги тармоқ ва корхоналар барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пуқта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилиётгани принципиал аҳамиятга эга бўлди.

2-диаграмма

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши (% да)



Мنبعا: Муаллифлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг хисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

Бутунги кунда Ўзбекистон ҳавас қилса арзигulik давлатга айланди. Бунга етарлича асос ҳам бор: шаҳару-кишлоқларимиз кифоаси кун сайин кўркамлашиб, янги замонавий корхоналар ишга туширилмоқда, ишлаб чиқариш ва иқтисодий инфратузилма ривожланиб, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ошмоқда. Бутун дунёда босқичма-босқич ривожланишнинг “Ўзбек модели” сифатида танилган республикамиз раҳбариятининг стратегик сиёсати тўғри тавланганлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Давлатимиз томонидан бундай оқилона сиёсатининг ижобий натижасини рақамларда келтириб ўтамиз. Жаҳон банкнинг “Бизнес юритиш” рейтингда Ўзбекистон бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади. “Янги бизнесни кўллаб-қувватлаш” деб аталадиган мезон бўйича жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар кичросини таъминлаш бўйича 32-ўринни,

<sup>61</sup> [www.loyiq.uz](http://www.loyiq.uz) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси.



иқтисодий вочор қорғоналарга нисбатан қўлланиладиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллади.

Ана шу йўналишдаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши бутунги кунда 56,7 фоизни ташкил этиб, ушбу соҳада аҳолининг 77 фозидан ортиғи меҳнат қилмоқда. Рақамлар шунга кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз барқарор ўсиш ва аниқ бир мақсад сари ислохот юритмоқда<sup>62</sup>.

Қонунчилигимиздаги ислохотлар ҳам ўзининг самарасини бермоқда ҳамда тадбиркорларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Давлатимизнинг раҳбари ўзининг “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” номли китобида: “Хукукий маданиятнинг юкори даражада бўлиши хукукий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида хукукий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга, хукукий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда қаро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-хукукий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятта эгадир. Зеро, хукукий нормалар одамлар онтига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқали”, деб таъкидлаган эдилар.

Тадбиркорлик субъектларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида Республика бўйлаб 194 та “Ягона дарча” марказларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2412-сонли “Ягона дарча” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу эса ўз навбатида, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ишончли қафолатлар тизимини яратишдан иборат. Мазкур қарор билан туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига “Ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари 2016 йил 1 январдан ўз фаолиятини бошлади.

<sup>62</sup>Ҳарман Н.А. Бош мақсадимиз – мижуд қўйилганларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни янги давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобида олдига қўйиладир. 2015 Ўзбекистон иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йуналиши ва 2016 Ўзбекистон иқтисодий-иқтисодий дастурига энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Мақомади мақолисидаги маълумот // Халқ сўзи 11(6446) 16.01.2016 й.

Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк тизимидаги амалга оширилаётган операциялар ва тадбиркорларга берилган имтиёзли кредитлар йилдан-йилга ортиб бормоқда.

2-жадвал  
Тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар<sup>63</sup>

Г/р	Асосий йўналишлар	2015 йил, млрд. сўм	Ўсish, %
I.	Кичик бизнесни кредитлаш		
1.	Жами кредитлар	12 112,6	132,3
	шундан:		
1.1.	Микрокредитлар	2 527,0	129,0
1.2.	Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига	277,8	138,2
1.3.	Микрокредитбанкнинг микромолиявий хизматлари	362,1	122,0
1.4.	Озик-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга	2 104,3	132,1
1.5.	Ноолик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга	2 287,6	133,9
1.6.	Онлайн тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка	275,9	137,6
1.7.	Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга	1 633,8	131,2
1.8.	Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга	1 255,0	130,7
II.	Инвестицион кредитлар	10 252,0	120,0

Тижорат банклар кредитлари ҳисобига: 2015 йилда 293 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда тақлифларни келтириб ўтамыз:

– кичик бизнесни янада ривожлантириш учун иқтисодиётда либерализация жараёнини давом эттириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек экспортни рағбатлантириш;

– замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, жумладан, маҳаллий компаниялар ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида экологик тоза ва энергия тежамкорлиги технологияларини жалб этиш;

– мавжуд сув ресурсларини тежаш ва кишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида кишлоқ хўжалиги тармоқларига янги технологияларни татбиқ этиш;

– корпоротив бошқарув механизмлари ва бошқарувнинг замонавий тизимларини жорий этиш таълим соҳасида инсон капиталига инвестициялар киритиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур соҳада фаолият юритаётганлар бундай имтиёزلардан кенг фойдаланиб, ўз ҳуқуқлари билан танишган ҳолда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда янги қонунлар билан зиммамизга юкланган масъулиятли вазифаларни тўлиқ бажариш – ҳар бир тадбиркор

<sup>63</sup> [www.dba.uz](http://www.dba.uz) Ўзбекистон Республикасида Мажлиснинг бизнес расмиёти веб-сайти.

инновация билан ишлашни, уни такомиллаштириш борасида тинмай изланишни, энг асосийси, ҳар бирида янгича ёндашув, ташаббус ва янгича фикрлашни талаб этади.

Шунинг учун, мамлакатимизда иш билан бандликка зид бўлган ишсизлик, жаҳоннинг бошқа аксарият мамлакатларида бўлганидек алоҳида кескинликка эга эмас ҳамда ҳеч қандай салбий оқибатлар кузатилмайдди. Тинчлик ва хотиржамлик эса, маълумки, кишилар учун берилган неъмат деб баҳоланади. Буларни кадрлаш эса бизнинг бурчимиз ҳамда умуммиллий вазифамиздир.

Шу билан ҳам, давлат бандлик ва меҳнат фаолияти соҳаларидаги муаммоларни қўйидаги чора-тадбирлар орқали тартибга солиши:


- янги қонунчилик ҳужжатларини шакллантириш ва эскиларини қайта кўриб чиқиш;
- меҳнат ресурслари миқдорини ҳисобга олиш;
- аҳоли соҳининг табиий ва механик равишда ортиши натижасида юзага келган ўзгаришларни қайд этиш;
- иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ишчиларнинг эҳтимолий бўшагини инобатга олиш;
- ишчиларнинг тармоқлараро оқимларини тартибга солиш;
- иш жойларининг мавжуд меҳнат ресурслари билан мувозанатини таъминлаш;
- меҳнатга лаёқатли аҳолининг банд бўлмаган қисmini иқтимоий ҳимоя қилишни амалга ошириш ва бошқалар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат тадбиркорликка кенг йўл очиб бермоқда. Бутунги кунга келиб солиқ ҳисоботларини тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи қоғоз тўлдириш билан эмас, балки бевосита электрон шаклда тақдим этмоқдалар. Ишлаб чиқарувчи корхоналар юқори сифатга эга бўлган технологиялар билан жиҳозланмоқда. Ўзбекистонда савдо-саноат палатаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ўзининг улкан ҳиссасини қўшмоқда.

Хусусан, Тапқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани, бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Айни пайтда жамғарма юздан ортиқ хорижий ташкилот билан ҳамкорлик ўрнатган. Бу Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ёрлиғи туширилган маҳсулотларни жаҳон бозорида янада кенг тарғиб этиш, ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналаримиз сафини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Бу эса ўз навбатида, мамлакатнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичи бўлган ЯИМнинг йиллик ўсишига сабаб бўлмоқда. Республикаимизда 1996 йилдан эътиборан иқтисодий ўсиш давом этмоқда. Яши ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 2008 йилда 9%га, 2009 йилда 8,1%га, 2010 йилда 8,5%га, 2014 йилда 8,1%га, 2015 йилда 8% га ўсди.

Ўзбекистонда 2008-2015 йилларда ялпи ички  
маҳсулотнинг ўсиш динамикаси, фонда



Маъба: Муаллиф томонидан ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Бундай иқтисодий ўсишга эришишда, аввало, кенг қўламини бозор ислохотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва экспортга иқтисослашган янги тармоқ ва корхоналар барпо этиш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатнинг амалга оширилиётгани принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик одамларга ўз bilim ва малақасидан, тadbиркорлик қобилиятдан келиб чиққан ҳолда эркин меҳнат қилиш, унинг маҳсулидан ўзи ва жамият аъзоларини баҳраманд этиш, мулкка эгаллик қилиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланди. Тadbиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар улуши 2010 йилда 47,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 52,0 фоизни ташкил этди.

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани, албатта, барчамизга мамнуният етказди<sup>64</sup>.

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этиш ҳамда инқироздан сўнг барқарор ва мутаносиб

<sup>64</sup>Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мажбул қўйилганларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни ижтимоий давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тadbиркорликка янда кенг йўл очиб бериш ҳисобидан одинга қориқлар. 2015 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Валларар Мақомакис мажлисидagi маъруза. //Халқ сўзи 11(6446) 16.01.2016 й.

иктисодий ривожланишни таъминлаш мақсадида 2009-2014 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни узлуксиз модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иктисодийёт рақобатбардошлигини доимий равишда ошириш, экспорт салоҳиятини ўстириш мақсадида инновацияларни жорий этиш асосида чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш учун энг муҳим инвестициявий лойиҳалар дастури амалга оширилди. Шунингдек, меҳнат сиғими юқори ва рақобат устуворлигига эга бўлган, аҳоли иш билан бандлигини юқори даражада таъминлашга қодир бўлган тўқимачилик, пўйабзал, озиқ-овқат саноати тармоқлари ҳам жадал ривожланади. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти янада ривожланади ва мустақамланади, экспорт таркиби ҳам диверсификацияланади.

Ўзбекистонда иктисодий инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг муваффақиятли амалга оширилганлиги натижасида жаҳон молиявий - иктисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда ҳам юқори ва макроектисодий ўсиш суръатларига эришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Қаримов “Жаҳон молиявий иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитда уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида глобал молиявий-иктисодий инқирозининг ҳамон давом этиши сабабларини қуйидагича изоҳлаган:

- кредит олувчиларнинг тўловга лаёқатсизлиги, ҳисоб-китоб қилишга қурби етмаётгани молия-банк тизимида жиддий муаммолар бўлишига олиб келаётганлиги;

- дунёнинг энг йирик давлатлари марказий банклари томонидан реал активлар билан таъминланмаган пулларни чиқариш давом этаётгани, шунингдек, суғий молиявий воситалар-деривативларнинг назоратсиз чиқарилаётгани кўплаб нуфузли халқаро таҳлил марказлари ва экспертларда жиддий таъвиш уйғотаётганлиги;

- молия ва банк бозорини ортқча ликвидлик билан тўлдирish, бундай сиёсатни давом эттириш улкан спекулятив “кўпиқлар” ҳосил бўлиши, захира валюталари ва миллий валюталарнинг қадрсизланиши, инфляция даражаси ўсиш хавфини туғдираётганлиги;

- тобора ўсиб бораётган бундай муаммолар бутунги қунда глобал инқироз келтириб чиқараётган чуқур жараёнларни фақат эски восита ва принципларни тузатиш билан ҳал этиб бўлмаслигидан дарак бермоқда ва авваломбор молия ва банк тизимининг янги тузилмасини, уни назорат қилиш ва тартибга солиш механизмларини қўш томонлама асосда ишлаб чиқишни тақозо этмаётганлигида акс этади<sup>65</sup>.

Шу босидан мамлакатимизда иктисодийётнинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегия давом эттирилади.

<sup>65</sup> Қаримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитда уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009 й.

Дунёда содир бўлаётган ҳозирги аҳвол, шу жумладан, кечаётган глобал молиявий–иктисодий инқироз Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг бу борада олиб борган ишчи сиёсати тўғри эканлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашда қўйидаги тақлифларни келтириб ўтамиз:

– бюрократик жараёнларни соддалаштириш ва лицензиялаштирилмаган фаолият турлари сонини қисқартириш;

– молиялаштириш манбаларидан эркин фойдаланишни таъминлаш;

– саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишга қўмаклашиш;

– тадбиркорлар малакасини ошириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш.

Бозор муносабатлари шароитларида давлатнинг, инсонни ўз ишчи кучидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини тан олган ҳолда меҳнатга лаёқатли аҳолидан фойдаланиш ва ишчи кучига талабни бошқариш жараёнларига аралашмай илҳом йўқ.

Шу боис, давлат бандлик ва меҳнат фаолияти соҳаларидаги муаммоларни қўйидаги чора-тадбирлар орқали тартибга солади:

– янги қонунчилик ҳужжатларини шакллантириш ва эскиларини қайта кўриб чиқиш;

– меҳнат ресурслари миқдорини ҳисобга олиш;

– аҳоли сонининг табиий ва механик равишда ортиши натижасида юзага келган ўзгаришларни қайд этиш;

– иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ишчиларнинг эҳтимолӣ бўлашини инобатга олиш;

– ишчиларнинг тармоқлараро оқимларини назардан кочириш, муқобил мулкни шакллантириш, ишчи ўринларининг мавжуд меҳнат ресурслари билан мувозанатини таъминлаш;

– меҳнатга лаёқатли аҳолининг банд бўлмаган қисмини иқтисодий ҳимоя қилишни амалга ошириш ва ҳоказо.

Бу ҳолат далолат берадики, республикада, биринчидан, юқори даражада самарали иқтисодий сиёсат юритилмоқда, иккинчидан, давлат бандлик муаммосини ҳал қилишда фаол иштирок этаётгани учинчидан, ишга жойлаштиришга комплекс ёндашув қўлланилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигига бор йўғи 25 йил тўлганини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси қувонарли ҳол, албатта. Ахир, бу навқирон ёшда барча муаммолар, шу жумладан бандлик масаласини ҳам муваффақиятли ҳал қилиш мумкин-да!

#### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада

кенг йўл очиб бериш хисобидан олдинга юришдир. 2015 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маъкамаси мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи, 16.01.2016й. 11(6446).

2. Қаримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. – Т.: Ўзбекистон, 1996.-380б.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ҳисобот маълумотлари.

4. Меҳнат ва аҳolini иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий веб-сайти маълумотлари.

6. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази маълумотлари.

7. Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари.

*И.ф.и.н., доц. И.С. Хотамов,  
Саноат иқтисодиёти кафедраси мудири, ТДПУ*

### **Брендинг ва бренд менежментининг рақобат муҳитидаги ўрни**

*В статье проанализированы особенности развития брендинга и бренд-менеджмента и их эффективное использование в деятельности предприятия. А также изложены факторы влияния бренда на выбор потребителя, необходимость внедрения бренд-менеджмента в предприятия, и итоговые результаты этих мероприятий.*

*The article proanalizorovany features of development of branding and brand manechmenta, and their effective use in the enterprise. And izlozhany brand influences consumer choice, the need to introduce brand-manechmenta in the enterprise, and the final results of these merapriyaty.*

*Калим сўзлар: бренд, бренд-менежмент, рақобат, нейромаркетинг, истеъмол услужлиги, экспорт салоҳияти, дизайн, харид жараёни, сезги органлари, таассурот, ассоциациялар.*

Брендинг – бу маркетингнинг замонавий технологияси ҳисобланиб, янги товар, товар белгиларини яратиш, бозорга жойлаштириш, истеъмолчилар онига сингдириш билан боғлиқ бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Бренд бу – том маънодаги савдо белгиси эмас, балки маҳсулот сифатининг тимсоли образидир. Брендни ташкил этишда истеъмолчи у ёки бу маҳсулотга қандай муносабатда эканини аниқ бақолаш муҳим ҳисобланади. Бренд фақатгина гоғлар ташувчиси эмас, балки рақобатдош устунликларни кўпайтириш эвазига компанияни ривожлантириш воситаси ҳамдир.

Шу жихатдан “Брендинг” ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни фаоллаштириш услужларини, товарларни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш муаммоларини комплекс, тизимли ечиш услужларини, бозорда вужудга келадиган ўзгаришларга тезда мослашиш, бренд сиёсати, брендинг ва ребрендинг масалалари, истеъмолчиларга табақали ёндашиш, рақобатбардош янги товарларни вужудга келтириш ва уларни ишлаб чиқаришни бошқаришни ўз ичига олади.